

ГҮРМИРОН

Манзили: Косонсой муман, “Гүрмирон” МФЙ, “Тошлок” күча.

Даври: Бронза

Майдони: 4, 5га.



Гүрмирон - Гүри Амирон мазмунини англатиб, бу эрда араб мирларини қабристони бўлган экан.

Милоддан аввалги биринчи асрга оид мугхоналар-оловга сифинувчи зардуштийларни қабрларини 1951йилда академик А.Н.Бернштам ўрганган.

1977-1978йилларда олиб борилган археологик тадқиқотларда қабристонга этук илм аҳиллари, амлрлар дафн этилганлиги ўз тасдифини топди.

1131 йил. Косон музофотининг Гүрмирон қишлоғида Султон Валий Зарбахш ва Мочин саркардаси Гўрхон аскарлари ўртасида қаттиқ жанг бўлиб ўтади. Баъзи манбаларда икки, айримларида тўрт кун жанг-жадал бўлганлиги баён этилган.

Жангда Гўрхон мағлуб бўлади. Унга ёрдамга келган қалмоқлар Гўрхонни қутқариб олиб кетишади.

Султон Вали Зарбахш аскарлари кўп қайғу ва алам ила шу ердаги тепаликка барча шаҳид бўлган сипоҳийлар ва мирларни мусулмон одати бўйича дафн этадилар. Бу жой ҳозир ҳам Гўри Мирон, қисқартирилган ҳолда Гўрмирон деб аталади.

Гўрмирон тарихи бунданда қадимий. Бронза даврига оид республика миқёсидаги археологик объект сифатида рўйхатга олинган.

Милоддан аввалги I-II-асрларга оид муғхоналар-оловга сигинувчи зардуштийларнинг қабрлари ўтган асрнинг 50-йиллари

бошларида академик А.Н.Бернштам ва Ю.А.Заднепровский томонидан ўрганилган. Қабрлардаги марҳумларнинг ёнидан чиққан бронза даврига оид турли тақинчоқлар, сопол идишлар туманимизнинг 2200 йиллик тарихидан ҳикоя қиласи. Куйидаги юқоридаги суратда ўтган асрнинг 1955йилида археологларнинг маҳаллий аҳоли кўмагида шоҳ қабрини очиш жараёни акс этган.